Tadqiqot.uz

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 11 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 9, НОМЕР 11

LOOK TO THE PAST

VOLUME 9, ISSUE 11

ТОШКЕНТ-2026

ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ | LOOK TO THE PAST
№11 (2026) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2026-11

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Бобожонова Дилором Бобожоновa
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc), Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марксовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc), Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc) Шаҳрисабз далат педагогика институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор, Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор, Қозоғистон дипломатия академияси

Ғоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Қарши давлат техника университети

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор Қарши давлат университети

Маҳкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc), Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc), Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор, Қозоғистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc), Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc), Доғистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор Ўзбекистон Миллий университети

Тўхтабаев Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), профессор, Наманган давлат университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ | РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ | EDITORIAL TEAM:

Курбанов Бахтияр Журабаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Наманган давлат университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Аббасов Беҳзод Бахтиёрович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат иқтисодиёт университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

Каримжонов Жасурбек Мухторжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Xurshid Mirzaxmedov

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Diloram Babajanova
YOSHLAR MA'NAVIYATINI YUKSALTIRISHDA MILLIY QADRIYATLARNING AHAMIYATI.....5

2. Abdurasul Boltaev
TURONI ZAMINNING DAVLATChILIKDAGI TUTGAN O'RNI.....12

3. Muysin Dusaliyev
QO'QON XONLIGINING BUXORO VA XIVA BILAN HUDUDIY NIZOLARINING KELIB CHIQISH SABABLARI VA OQIBATLARI.....21

4. Кобзева О.П.
ИСТОРИЯ ДИПЛОМАТИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ КУШАНСКОЙ ИМПЕРИИ: ОТ ТОРГОВОЙ ДИПЛОМАТИИ К ДИПЛОМАТИИ «МЯГКОЙ СИЛЫ».....30

5. Ulmas Muminov
"DASHT MADANIYATI" TUSHUNCHASINING SHAKLLANISHI VA ILMIY TALQINLARI.....37

6. Asliddin Namazov
XX ASRNING 30-YILLARI MADANIY-MA'RIFIY MUASSASALARNING KOMFIRQA SIYOSIY-G'OYAVIY TARBIYA O'CHOQLARIGA AYLANTIRILISHI VA UNING OQIBATLARI.....42

7. Jurabek Polvonov
XIVA XONLIGI DIPLOMATIYASI VA ELCHILIK MUNOSABATLARI: TARIXIY-MANBASHUNOSLIK TAHLILI.....46

8. Soxiba Sulaymanova
G'ARBIY TURK XOQONLIGINING TASHKIL TOPISHI VA TANAZZULLI.....55

9. Rano Urazova
THE AMESHAPENTA SYSTEM IN ZOROASTRIANISM AND ITS FUNCTIONAL ESSENCE: CONCEPTS OF GOODNESS AND DIVINE ORDER.....60

10. Муродилла Ҳайдаров
Г. САФАРОВНИНГ МУСТАМЛАКА ИНҚИЛОБИ (ТУРКИСТОН ТАЖРИБАСИ) АСАРИДАН ПАРЧА.....70

11. Ғайратбек Хайдаров
ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ВА ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ (Фарғона вилояти мисолида).....82

12. Тохир Шокиров
РАЗВИТИЕ ИСТОРИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ НАРОДОВ УЗБЕКИСТАНА И ЕГИПТА В ДРЕВНОСТИ.....89

JOURNAL OF LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ISSN: 2181-9599
www.tadqiqot.uz

Таржимон **Муродилла Ҳайдаров,**
Геология фанлари университети
Тарих фанлари доктори, профессор

Г. САФАРОВНИНГ МУСТАМЛАКА ИНҚИЛОБИ (ТУРКИСТОН ТАЖРИБАСИ) АСАРИДАН ПАРЧА

For citation: M. Haydarov. EXCERPTS FROM G. SAFAROV'S WORK "THE COLONIAL REVOLUTION (THE TURKESTAN EXPERIENCE)". Look to the past. 2026, vol. 9, issue 11.

http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.24141462

АННОТАЦИЯ

Г.Сафаров“Мустамлака инқилоби (Туркистон тажрибаси)” асарида Туркистоннинг чоризм мустамлакаси ва совет тузуми давридаги мураккаб тарихий воқеаларни бир тизим асосида, ўша даврда масъул раҳбар лавозимларда ишлагани, тарихий далиллар ва ўзининг тажрибасига асосланиб баён қилишга эришди. Асарда Туркистондаги мустамлакачилик муносабатлари, 1917 йилги инқилобий ўзгаришлар, совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, миллий масала ва ижтимоий-иқтисодий зиддиятлар таҳлил қилинади. Унда чоризм мустамлакасининг ўлкага таъсири, большевиклар сиёсатининг номатлуб амалиёти шунингдек, мустамлакачилик мероси билан боғлиқ жиҳатларини очиб беришга қаратилган. Асарнинг тарихий манба сифатидаги катта аҳамияти борлиги баробарида замонавий тарихшунослик нуқтаи назаридан муаллифнинг сиёсий-мафкуравий қарашлари, хулосаларини танқидий баҳолаш заруриятини хам таъкидлаб ўтиш лозим. Ушбу асарни бошқа тарихий манбалар, шунингдек Т.Рисқулов, Ф.Хўжаев, М.Чўқаев, С.Хўжанов ва б. ҳамда замонавий илмий тадқиқотлар билан қиёсий ўрганиш минтақанинг мураккаб тарихий жараёнларини чуқурроқ англаш имконини беради. Асар Туркистон тарихидаги мустамлакачилик муносабатлари, миллий тенглик муаммолари ва советлаштириш жараёнларини ўрганишга қўшган ҳиссаси билан илмий ахамиятлидир.

Калит сўзлар: Туркистон, мустамлакачилик, октябр тўнтариши, совет ҳокимияти, миллий масала, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, ижтимоий-сиёсий инқироз, большевиклар, инқилобий жараёнлар, сўл коммунизм, аксилинқилобий, очарчилик, Таъсис мажлиси, мухторият.

Переводчик **Муродилла Хайдаров,**
доктор исторических наук, профессор
Университет геологических наук

ОТРЫВОК ИЗ ПРОИЗВЕДЕНИЯ Г. САФАРОВА "КОЛОНИАЛЬНАЯ РЕВОЛЮЦИЯ (ОПЫТ ТУРКЕСТАНА)

АННОТАЦИЯ

Г.Сафаров в своем произведении "Колониальная революция (опыт Туркестана) " сумел описать сложные исторические события периода колониализма и советского строя Туркестана на основе единой системы, работы на ответственных руководящих должностях в тот период, исторических фактов и собственного опыта. В произведении анализируются колониальные отношения в Туркестане, революционные изменения 1917 года, установление советской власти, национальный вопрос и социально-экономические противоречия. Она направлена на раскрытие влияния царской колонии на край, нежелательной практики большевистской политики, а также аспектов, связанных с колониальным наследием. Наряду с тем, что произведение имеет большое значение как исторический источник, необходимо подчеркнуть необходимость критической оценки политико-идеологических взглядов и выводов автора с точки зрения современной историографии. Сравнительное изучение этого произведения с другими историческими источниками, а также с трудами Т.Рыскулова, Ф.Ходжаева, М.Чукаева, С.Ходжанова и др., а также современными научными исследованиями позволяет глубже понять сложные исторические процессы региона. Работа имеет научное значение благодаря вкладу в изучение колониальных отношений, проблем национального равенства и процессов советизации в истории Туркестана.

Ключевые слова: Туркестан, колониализм, октябрьский переворот, советская власть, национальный вопрос, социально-экономические отношения, общественно-политический кризис, большевики, революционные процессы, левый коммунизм, контрреволюционный, голод, Учредительное собрание, автономия.

Translator **M. Haydarov,**
University of Geological Sciences
Doctor of Historical Sciences, Professor

EXCERPTS FROM G. SAFAROV'S WORK "THE COLONIAL REVOLUTION (THE TURKESTAN EXPERIENCE)"

ABSTRACT

In his work "The Colonial Revolution (The Experience of Turkestan)," G. Safarov succeeded in describing the complex historical events of Turkestan during the period of Tsarist colonialism and the Soviet system based on a system, his work in responsible leadership positions during that period, historical facts, and his own experience. The work analyzes colonial relations in Turkestan, the revolutionary changes of 1917, the establishment of Soviet power, the national issue, and socio-economic contradictions. It is aimed at revealing the influence of Tsarist colonialism on the country, the undesirable practice of Bolshevik policy, as well as aspects related to the legacy of colonialism. Along with the great importance of the work as a historical source, it is necessary to emphasize the need for a critical assessment of the author's political and ideological views and conclusions from the point of view of modern historiography. A comparative study of this work with other historical sources, as well as with the works of T. Ryskulov, F. Khodjaev, M. Chukaev, S. Khodjanov, and others, and modern scientific research, allows for a deeper understanding of the complex historical processes of the region. The work is of scientific importance for its contribution to the study of colonial relations in the history of Turkestan, problems of national equality, and the processes of sovietization.

Index Terms: Turkestan, colonialism, October Revolution, Soviet power, national issue, socio-economic relations, socio-political crisis, Bolsheviks, revolutionary processes, left communism, counter-revolutionary, famine, Constituent Assembly, autonomy.

Мавзунинг долзарблиги:

Туркистон ўлкасидаги чоризм мустамлака даври, 1917 йилдан 1921 йилгача бўлган драматик воқеалар, ҳокимият учун кураш, халқнинг ҳақиқий аҳволи, барча умидлари пучга чиққан меҳнаткашларнинг фожиали кечмишларини тасвирлашда Г.И.Сафаровнинг “Мустамлака инқилоби. (Туркистон тажрибаси)” ноёб асар хисобланади. Шу сабабдан совет мафкураси маъқул кўрмайдиган асарлар рўйхатини бошларида турган. Бежизга Марказий Осиё тадқиқотлари жамияти томонидан 1985 йилда Оксфордда нашр этилган нусхасига жуда юқори баҳо берилмаган: “Григорий Сафаровнинг асари инқилобнинг иштирокчилари ёки гувоҳлари бўлган ва ўз кузатувларини анча холисона қайд этган юқори мартабали большевиклар томонидан тайёрланган материалларнинг кичик тоифасига киради”.

Григорий Сафаров асарининг долзарблиги шундаки, Туркистон тарихидаги мустамлакачилик муносабатлари, миллий тенгсизлик, ижтимоий ўзгаришлар ва совет ҳокимиятининг шаклланиш жараёнларини илмий жиҳатдан англашга кўмак беради. У орқали Россия империяси давридаги бошқарув тизими, маҳаллий аҳолининг сиёсий ва иқтисодий аҳволи ҳамда 1917 йилдан кейинги ўзгаришларни таҳлил қилиш мумкин. Асарда миллий тенглик ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи масаласи марказий ўринларда туради. Шу ўринда муаллифнинг сиёсий тафаккури, инқилобий қарашлари ҳамда синфийлик тамойилига муносабатини ҳам назардан қочирмаслик керак. Ундаги тадқиқотлар Туркистонда миллий давлатчилик ғояларининг шаклланиши ва маҳаллий аҳолининг сиёсий жараёнларга муносабати ўрнини тушунишда аҳамиятлидир. Муаллиф совет ҳокимиятининг эълон қилинган тенглик ғоялари билан Туркистондаги бошқарув амалиёти ўртасидаги зиддиятларга эътибор қаратади. Шу боис асар мустамлакачилик ва советлаштириш жараёнларини қиёсий таҳлил қилиш, миллий ҳаракатлар ва маҳаллий сиёсий кучларнинг мақсадларини англаш; советлаштириш жараёнини, маҳаллий кадрлар иштироки ва марказ билан ҳудуд ўртасидаги муносабатларни ўрганишда фойдалидир. Шу билан бирга, асар 1921 йилдаги сиёсий-мафкуравий муҳит таъсирида ёзилгани сабабли, унинг мазмуни ва хулосаларини архив ҳужжатлари, маҳаллий манбалар ҳамда замонавий тарихшунослик ютуқлари билан қиёсий ўрганиш лозим. Масалан, советларга қарши миллий озодлик учун қуролли ҳаракатни “босмачилик” деб аталиши ва шундан келиб чиққан хулосаларни замонавий тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш муҳимдир.

Тадқиқот методологияси:

Г.И. Сафаров монографиясининг асосий ўзига хос хусусияти шундаки, у тадқиқотчи томонидан эмас, балки ижтимоий кечмишнинг ташкилотчиларидан, фаол қатнашчиси томонидан ёзилганлиги билан аҳамиятлидир. У 1920 йилдан РКП МК Туркбюроси аъзоси бўлган. 1922–1924 йилларда Коминтерн Ижроия қўмитаси аъзоси, унинг Шарқ бўлими мудири ҳамда Ижроия қўмитаси котиби сифатида фаолият юритган. Миллий масалада асосий мафкурачилардан бири ҳисобланган. Булар “хотиралар” ҳам, “меъмуарлар” ҳам эмас, балки гувоҳнинг, аниқроғи, воқеа иштирокчисининг гувоҳлигидир. Григорий Сафаровнинг “Мустамлака инқилоби (Туркистон тажрибаси)” асарининг методологиясини таҳлил қилишда муаллифнинг тарихий воқеаларни қандай тушунтиргани, қайси назарий ёндашувларга таянгани ва Туркистондаги инқилобий жараёнларни қандай баҳолаганини ўрганиш муҳимдир.

1. Назарий-методологик асоси: Асарнинг асосий назарий асоси – марксистик синфий таҳлил ва мустамлакачилик муносабатларини танқидий ўрганиш ҳисобланади. Г.Сафаров Туркистондаги инқилобий жараёнларни фақат сиёсий ҳокимият алмашинуви сифатида эмас, балки ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, миллий зулм ва синфий зиддиятлар билан боғлиқ ҳодиса сифатида талқин қилади.Унинг ёндашувида қуйидаги масалалар марказий ўрин тутади: мустамлакачилик ва миллий тенгсизлик; ижтимоий синфлар ўртасидаги зиддиятлар; ер ва иқтисодий ресурсларга эгалик қилиш муносабатлари; маҳаллий аҳолининг сиёсий жараёнлардаги иштироки;совет ҳокимиятининг миллий масала бўйича сиёсати.

2. Асарда қўлланилган асосий методлар:

Тарихий-генетик метод: Туркистондаги мустамлакачилик муносабатларининг келиб чиқиши ва ривожланишини, чор Россияси давридан инқилоб ва совет ҳокимиятининг дастлабки йилларигача бўлган жараёнларни ўрганиш.

Тарихий-қиёсий метод: Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати билан совет ҳокимиятининг амалиётини қиёслаш орқали эски муносабатларнинг қай даражада сақланиб қолганини кўрсатиш.

Синфий таҳлил методи: Жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар, ишчилар, деҳқонлар, камбағаллар, маҳаллий бойлар ва бошқа қатламларнинг манфаатларини ўрганиш.

Тизимли таҳлил: Сиёсий ҳокимият, иқтисодиёт, ер муносабатлари, миллий сиёсат ва ижтимоий тузилмаларни ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш.

Манбаларни танқидий ўрганиш. Муаллифнинг шахсий кузатувлари, Туркистон бўйича тўпланган материаллар ва партиявий ҳужжатлардан фойдаланиш. Асар Туркистонда тўпланган материаллар ҳамда Г.Сафаровнинг шахсий кузатувларига асосланган. Шунинг учун асарда вақтли матбуот ва партиявий хужжатлардан кўплаб далиллар келтирган.

Муаллифнинг тадқиқот ёндашуви: Г. Сафаровнинг ёндашувини учта асосий йўналишда тушуниш мумкин: Мустамлакачилик таҳлили: —Туркистоннинг Россия империяси таркибидаги сиёсий ва иқтисодий мавқеини очиб бериш; Инқилобий жараёнлар таҳлили – 1917 йилдан кейинги сиёсий ўзгаришлар, маҳаллий кучлар ва совет ҳокимияти ўртасидаги муносабатларни ўрганиш; Миллий масала таҳлили – маҳаллий халқларнинг ҳуқуқлари, болъшевиклар сиёсатига муносабатлари, бу сиёсатнинг улар хаётидаги акс этиши, иқтисодий ва сиёсий инқирознинг бош сабаблари ва совет миллий сиёсатининг зиддиятларини кўрсатиш.

Асарнинг тузилиши ҳам ушбу йўналишларни акс эттиради: унда Туркистоннинг мустамлакавий ҳолати, инқилоб, совет ҳокимияти ва мустамлакачилик меросини бартараф этиш масалалари алоҳида кўриб чиқилади.

Тадқиқот натижалари:

XX аср 20-йилларида нашр этилган китобларда, тарихий манбалар, шунингдек Т. Рисқулов, Ф. Хўжаев, М. Чўқаев, Н. Борисов, С.Хўжанов, П. Алексеенков, П Галузо. асарларида Туркистон ўлкасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши жараёни, большевиклар партиясининг минтақада юритган сиёсати, совет ҳокимиятининг дастлабки тадбирлари ва бошқалар хусусида сўз боради. Бу давр хали сталинизм авж палласига кирмаган, қисман бўлса хам холисона ёндошув мавжуд бўлган йиллар эди. Бу мавзуга оид чоп этилган дастлабки йирик асар РКП(б) МК Туркбюро раисининг ўринбосари, Марказдан Тошкентга юборилган Георгий Сафаров (1891-1942) асари бўлиб, 1921 йил Москвада рус тилида чоп этилган бу асарда Туркистонда совет ҳокимияти амалга оширган мустамлака инқилоби хусусида сўз боради. Бу асар “Мустамлака инқилоби (Туркистон тажрибаси)” деб номланиб, 7 бобдан иборат.

Биз ушбу асар асосий урғу берган Феврал инқилоби, октябр тўнтариши, ўлкада большевиклар хукмронлигини ўрнатилиши, халқнинг ахволи, миллий озодлик учун кураш сабабларига тўхталар эканмиз ўша давр тарихий манзарасига бир назар ташлашимиз лозим.

XX аср бошларидаги тарихий жараёнлар дунё сиёсий тизимини буткул ўзгартириб юборди. Асрлардан бери шаклланиб, қарор топиб келаётган қадриятлар ўрнини жамият тараққиёти учун «синфий кураш» ғоясини асосий мезон қилиб олган таълмотларни амалиётга жорий этишга уриниш бошланди. Петроградаги 1917 йил октябр тўнтариши ва ундан кейинги мураккаб давр ҳам шундай зиддиятли тарихий воқеликдан бири эди.

Ҳар қандай инқилоб одамларнинг бир ижтимоий гуруҳи (синфи) ҳокимиятини ағдариб, бошқарувни аҳолининг бошқа гуруҳи вакиллари қўлига топширишдан иборат. Февраль инқилоби подшо, помешчик аристократияси ва улар томонидан тайинланган маҳаллий маъмурият ҳокимиятини ағдариб ташлади; Октябрь инқилоби буржуазия вакилларини ҳокимиятдан маҳрум қилди. Россиядаги бу икки тўнтариш натижасида ҳокимиятни эгаллаган большевиклар ўзларининг мақсади эксплуатацияга асосланган тузумни яксон қилиш эканлигини эълон қилдилар.

Шу ўринда мустамлака Туркистонда марксча-ленинча инқилобий таълимотдан анчагина йироқ холда кечган октябр тўнтариши воқеалари сабабларига тўхталиб ўтмоқ жоиз. Аввало айтиш керакки ўлкада ишчилар синфи шаклланмаган бўлиб, уларнинг манфаатини ўзида акс эттирувчи сиёсий партиялар ташкил топмаган эди, яъниким Туркистонда буржуазия ҳам, пролетариат ҳам, большевиклар ҳам йўқ эди. Туркистондаги коммунистик ташкилотлар тарихини тадқиқотчиси И.Сольцнинг [1] ушбу фикрлари ҳам бу ҳодисани тасдиқлайди: “1918 йил давомида Туркистонда партия ташкилотлари ташкил топди ва улар ўзини совет давлатининг асосчилари қилиб кўрсата бошлашди. Бу ташкилотлар сафида маҳаллий миллат вакиллари қирғиз, ўзбек, туркманлар бўлмаган. Бундай коммунистик партия Туркистонни бошқаришга эмас, инқилобнинг тартибсиз тўлқинида сузишга мослашган эди... Бу партияда бошқарувнинг мустамлакачилик руҳи ҳокимлик қиларди”. [2] Маҳаллий аҳолининг орзу-умиди эса миллий озодликка эришиш эди.

1917 йил ноябр ойининг бошида большевиклар фақатгина қурол кучига таянган ҳолда Тошкент шаҳрида ҳокимиятни қўлга киритишди. Бу ҳол Туркистон республикаси ҳукуматининг раҳбарларидан бирининг эътирофида ёрқин акс этган: “Чоризм томонидан олиб борилган мустамлакачилик кайфияти ва сиёсати амалдор ва хизматчи унсурлардан ташқари ҳатто рус темир йўлларига ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Шунинг учун тўнтаришнинг бошиданоқ совет ҳокимиятини бу ерда фақат рус кишилари амалга оширди. Туб аҳолидан эса мустамлакачи маҳаллий ҳокимиятга алоқадор кишиларгина унда қатнашиши мумкин бўлиб, туб аҳолининг қолган катта қисми учун бу ғоялар бегона ва тушунарсиз эди”. [3]

Мустамлакачилик тузумини барқарор бўлишида таянч вазифасини ўтаган европали унсурлар томонидан ғалаба қилган октябр тўнтариши маҳаллий аҳолининг манфаатларига мос келмаслиги равшан эди. Бу фикрни Турор Рисқулов (1894-1938 й) [14] ҳам ўз даврида бир неча марта таъкидлаб ўтган эди. [5]

Г.Сафаровнинг асари юқорида айтиб ўтилганидек мана шундай мураккаб давр хақида батафсил тадқиқотларнинг биринчиларидан хисобланади. Г.Сафаров миллий масалада асосий масъул ходимлардан бири саналиб, 1920 йилдан РКП(б) МК Туркбюроси аъзоси, 1922–1924 йилларда Коминтерн Ижроия қўмитаси аъзоси, унинг Шарқ бўлими мудири ҳамда Ижроия қўмитаси котиби сифатида фаолият юритган. Шуларни инобатга олган холда, асарни “янги излар”га асосланиб ёзилганлиги, тарихий воқеаларни бир тизим асосда баён қилинганлигини, кўплаб хулосалари объективлик касб этганлигини таъкидлаш лозим.

Қуйида тадқиқотчиларга ва ўқувчиларга тақдим этилаётган “Мустамлака инқилоби (Туркистон тажрибаси)" монографиясидан парчалар ўлка халқи ҳаёти тўлиб-тошган барча муаммолар ва фожиаларнинг нисбатан батафсил баёнидир.

V.ТУРКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ.

Октябрь инқилобининг деярли илк кунлариданоқ Туркистондаги Совет ҳокимияти Совет Россиясидан узилиб, яккаланиб қолди. Туркистон билан Совет Россияси ўртасида “Дутов тиқини” вужудга келди. [6]

Ҳали Керенский давридаёқ Оренбург даштларини казакларнинг аксилинқилобий юқори табақалари учун мустақил салтанатга айлантиришга уринган қора юзчилар [7] (черносотенным) атамани Дутовга қарши кураш бошланган эди.

Оренбург бир неча бор қўлдан-қўлга ўтди: гоҳ Дутов ҳукмронлиги остида қолди, гоҳ уни қора юзчи казак атаманларига қарши курашда пролетарча қаҳрамонлик ва матонат мўъжизаларини намоён этган Оренбург ишчилари эгаллашди. Оренбург губернияси Урал область советлари бирлашмаси таркибига кирганлиги сабабли, Урал пролетарлари оренбургликларга ёрдамга бир неча бор ўз отрядларини жўнатишди. Ишчи-деҳқонлар инқилобининг бошиданоқ Самара–Оренбург–Тошкент темирйўл линияси аксилинқилоб билан инқилобий пролетариат ўртасидаги шиддатли кураш майдонига айланди.

Фуқаролар урушининг азоби уқубатлари излари бутун йўналиш бўйлаб бу кунга қадар ҳам сақланиб қолган. Темир йўлчилар ушбу алоқа йўлини ҳимоя қилиш асносида, айни

вақтда ўз жонларини ҳам ҳимоя қилганлар, зеро, аксилинқилобий казак тўдалари ҳеч кимни аямай, ўз йўлида учраган барча нарсани ваҳшийларча вайрон қилган.

Россия ва Туркистон ўртасидаги алоқа контрреволюция туфайли узилиб қолди. Шу тариқа Туркистонни Россия пролетариатининг ғоявий ва ташкилий кўмагидан маҳрум этиш баробарида уни раҳнамолик риштасидан махрум қилди. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Туркистонда Совет ҳокимияти Оренбург тўсиғи 1919 йил кузида бузиб ўтилгунга қадар мустақил ривожланди — гўё Туркистон мўжизавий "яккаланган савдо давлати" эди! Иоганна Готлиб Фихте! [8] Октябрь инқилобидан то 1919 йил сентябрида Оренбург тўсиғи ёриб ўтилгунга қадар бўлган вақт оралиғи Туркистонда Совет ҳокимияти мутлақо ўз *холича* ривожланган бир давр бўлди. Агар маҳаллий миллий ва синфий муносабатларнинг хос мустамлакачилик услуби бу ерда февралдан октябргача инқилобнинг хам ўзига мос кечмишини, унинг мустамлакачилик хусусиятини белгилаб берган бўлса, октябрь инқилобидан бошлаб Туркистоннинг Совет Россиясидан узилиб қолиши Туркистондаги совет қурилишининг мустамлакачилик иллатларини *авж олдирди*. Дарҳақиқат, совет Россияси ва совет Туркистони ўртасидаги жонли мулоқот мустамлакачилик қолдиқларининг таъсирини тўхтатиб, қирғизлар, ўзбеклар ва туркманларнинг миллий-озодлик ҳаракатини дарҳол совет мухториятига йўналтирган ва улар орасида чинакам синфий табақаланишни келтириб чиқарган бўларди. Аксинча, контрреволюция бу ерда ҳам революцион тараққиётни тўхтатиб қўйди ва Туркистон ўз кучлари қаршилигига, ўз *зиддиятларига* чулғаниб қолди. Нисбатан қолоқ бўлган рус пролетарларининг оз сонли қатлами зиммасига собиқ чор мустамлакасида совет ҳокимиятини қуриш ва ҳимоя қилишдек *енгиб бўлмас* оғир вазифа тушди.

Янги Совет ҳокимиятининг аҳволи жуда беқарор эди. Тошкент темир йўл устахоналари деярли унинг ягона таянчи эди. Қўқонда ҳамманинг кўз ўнгида аксилинқилоб уюштирилмоқда эди. Эски рус амалдорлари макони бўлмиш Скобелевда ҳам худди шу ҳолат юз бермоқда эди, унинг биқинида, эски Марғилонда эса бўлажак босмачилар йўлбошчиси Мадаминбек хўжайинлик қиларди. [9] Самарқандда ҳам аҳвол бундан яхши эмасди. Каспийортидан казакларнинг яқинлашиб келаётгани тўғрисида нохуш, машъум миш-мишлар тарқалмоқда эди.

Шундай шароитда Советларнинг IV съезди чақирилди. У билан бир вақтда бўлган деҳқонлар съезди ҳокимиятга бўлган ўз даъволарини анча ожизоналик билан баён қилди. Съезд деҳқонларники деб аталса-да, аслида у фақат келгинди рус крестьянларининг съезди эди. Уларнинг кайфиятини етарлича аниқ кўрсатиб берди — унга ҳар қандай пролетар таъсирига қатъиян душман бўлган "столипинча помешчиклар"[10], "ўзига тўқ мужиклар" йиғилган эди.

Типик Туркистон «сўл эсерлари» уларни ўз сафсаталари билан ҳар томонлама оғдириб олишга уриндилар. Махаллий ахолини большевиклар «батраклар советлари орқали яна чоризмни ўрнатмоқчи», деб қўрқитиб, Туркистонда «ўз» «деҳқон» ҳукуматини тузишга чақирдилар ва ҳоказо. Дарвоқе, сўл эсерлар етакчиси Н. И. Черневский қулоқларнинг «большевиклар васийлигидан тезроқ қутулсак эди!» деган кайфиятига мослашиб, Туркистон мухториятига қуйидагича изоҳ берди: «Бизда аллақачон мухторият мавжуд, зеро биз Туркистондаги бошқарув масалалари бўйича Петербург билан алоқа қила олмаймиз, ўз-ўзимизни бошқаряпмиз (!), турли хил қўмиталар таъсис этяпмиз (!!) ва ҳоказо». Қўқон мухторияти - бу афсона, чунки *мусулмонлар мухторият даражасига етмаган*, инқилобнинг барча ютуқларини сақлаб қололмайдилар ва ўзлари бизга бош уриб келишади. Биз автоном бўлган ва Туркистонда яшовчиларнинг барчасини ҳимоя қиладиган ҳокимиятни яратишимиз керак"[11],.Хар қандай тортинчоқлик йиғиштириб қўйилди. Ўзидан бошқани ғамини емайдиган келгинди унсурлар кулфатни эзгуликка айлантирдилар ва *миллий* ҳудудий мухторият шиоридан ўзларининг *мустамлакачилик* манфаатлари йўлида фойдаланишга уриндилар.

2-Еттисув вилояти деҳқонлар съездининг бу борадаги қарори ўзига хосдир. Резолюцияда шундай дейилган эди: "Вилоят деҳқонларининг I-съезди Сибирь ва Тошкент

келажаги, тақдири хақида масалани муҳокама қила туриб, вилоятимизнинг аҳволини батафсил ёритди. Еттисув вилояти географик жиҳатдан ҳам, иқтисодий, савдо ва иқлим (!!?) жиҳатдан ҳам Сибирга кўпроқ мос келади, деб топилди. Шунинг учун вилоятнинг бошқа халқлари билан келишган ҳолда (??) Таъсис Мажлисидан вилоятимизни Сибирга қўшиб олишни сўрашга қарор қилди. Эндиликда, Таъсис Мажлиси бу масалани ҳал қилгунга қадар, биз марказдан ва Тошкентдан келаётган буйруқларни бажариб турамиз.” [12] «Том амакининг кулбаси»даги Еттисув плантаторлари Сибирь қулоқ контрреволюциясининг бағрини ўзлари учун қулайроқ деб топдилар! Улар Еттисувда казак контрреволюцияси кучларини ташкил этган муваққат ҳукумат вакиллари Шкапский ва Иванов билан келиша олмасдилар, чунки эксплуататорлик соҳасида улар билан рақобатлашаётган казаклар ўртасини эски даханаки душманлик уларни ажратиб турарди.

Ўлка деҳқонлар съездига юборилган 70 та топшириқдан 38 таси (кўпчилиги!) мухториятни ёқлаб чиққан, 10 таси қатъиян қарши бўлган ва 8 таси мухториятни барвақт деб ҳисоблаган кулгили факт фақат пролетар марказидан ажралиш истаги билан изоҳланади. [13]

Крестьянлар съезди РСДРП Советлари съезди билан «*қўшилиб кетиш*» ва уни ўз кўпчилик овоз билан эгаллаб олиш истагини билдирди. Бу таклиф бетакаллуф рад этилди. Ўшанда “крестьянлар” съезди “кўпайиб бораётган талончиликлардан ўзини ҳимоя қилиш ва (?) революцияни ҳимоя қилиш учун жойлардаги рус аҳолисини қуроллантириш зарурлиги тўғрисида” ҳамда “пиво, шунингдек, ғалла ўсимликларидан тайёрланадиган бошқа ичимликлар ишлаб чиқаришни тўхтатиш тўғрисида” [14] резолюция чиқариб, тинчгина уй-уйларига тарқалдилар. Ўзбошимча қулоқ май ишлаб чиқарувчиларнинг қўпорувчилиги амалга ошмади.

Советлар съезди мухторият масаласини муҳокама қилишга киришди. Фақат социал демократ-интернационалистларининг резолюциясигина бирмунча оригиналликка даъвогар эди. Унда шундай дейилган эди: «Туркистоннинг иқтисодий, маданий, миллий ва маиший хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, съезд Туркистон автономиясини ягона Россия демократик республикаси доирасида тузилишини зарур деб топади. Шундан келиб чиқиб, съезд инқилобий демократия томонидан илгари сурилган ўлка ҳокимиятининг вазифаси демократик тамойилларга асосланган Туркистон автономиясини бошқарув тизимига тайёргарлик кўришдан иборат: 1) демократик ўзини ўзи бошқариш органлари, земстволар, шаҳар думаларини тузишга дарҳол киришиш; 2) *маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимидан ўтиш босқичи сифатида фойдаланиб, умумий сайлов ҳуқуқи асосида ўлка мухтор мажлисини чақиришга эришишдан иборат* деб ҳисоблайди. [15]

Собиқ чор мустамлакасини аста-секин «демократлаштириш»нинг бу режаси барча меньшевистик қарашларга хос нуқсонларга эга эди. У ҳеч қандай тинчлик бўлмаган ва бўлиши мумкин бўлмаган жойда миллий ва синфий тинчликни орзу қилди: туб аҳолининг кенг оммасига мустамлака бюрократияси аралашмаган ҳақиқий миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш зарур эди; “қора тўдачи” мустамлака амалдорлари ва офицерларининг аксилинқилобий «федерализми» билан рус ишчилари ҳеч қандай тарзда келиша олмас эдилар; бойлар ва мусулмон камбағаллар ўртасидаги узилиш эртами-кечми юз бериши муқаррар эди.

Меньшевиклар режасига қарама-қарши ўлароқ, большевиклар «пролетар мухторияти» шиорини илгари сурдилар, бироқ ўнлаб йиллар давомида Россия империализми томонидан эксплуатация қилинган, аҳолиси асосан майда ишлаб чиқарувчилар бўлган мамлакат шароитида бу шиор фақат инқилобий ибора бўлиб, унинг ортида пинхона мустамлакачилик мазмуни яширинган эди.

Нима бўлганда ҳам, Советлар съездида Қўқон ҳукуматининг тақдири 62 киши ёқлаб, 11 киши қарши, 3 киши бетараф овоз билан ҳал қилинди.

Бироз орқага, шу воқеликка қайтайлик. Мухторият эълон қилинганидан тахминан бир ой ўтгач, Қўқонда мусулмон ишчи ва деҳқон депутатлари ҳамда мусулмон жангчиларининг қурултойи йиғилди. Унинг мақсади «миллий бирдамлик»ни намойиш этиш эди. Съезд таркибидан мухтор ҳукумат ҳузуридаги «Халқ Кенгаши»га вакиллар ажратилди. Уларга 1/3

ўрин берилди. Низомиддин Хўжаев сингари ишчи депутатлар эса буржуа кўпчиликка нисбатан заррача мухолифат кўрсатиш нари турсин, қайтанга итоаткорлик билан унинг орқасидан эргашдилар. Мухтор ҳукумат ўзининг «қонунийлашуви» учун курашда фақат ички ҳарбий ҳаракатлар майдонида чиқишлар билан чекланиб қолмади, балки Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитасидан Брестда тузилган «халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш» тўғрисидаги декларация асосида ўзини бутун Туркистоннинг тўла ҳуқуқли ҳукумати деб тан олишни талаб қилди. Албатта, бу фитнага яроқсиз воситалар билан жавоб қайтарилмаган бўлсада, аммо икки ҳокимиятчилик муқаррар равишда Қўқоннинг ўзида ҳукумат инқирозини келтириб чиқариши керак эди. Ҳукумат ҳокимиятини ташкил этиш учун берилган бир неча юз минг сўмлик ихтиёрий хайр-эҳсонлар осонгина сарф бўлди. Ўзи пулга жуда муҳтож бўлган Туркистон Халқ Комиссарлари Совети давлат банкининг Қўқон бўлимидан 8 миллион рубл тортиб олди. Мусулмон савдо буржуазиясини ўз омонатлари учун хавотирга туширган бу тадбир сиёсий инқирозни янада кучайтирди. Ҳокимият тепасида янада қатъий ҳаракатлар тарафдори Чўқаев пайдо бўлди. [16] Ўз навбатида, Россия контрреволюцияси ҳам мудраб ўтиргани йўқ. Каспийортидан Россияга йўл олган 17 та казак эшелони йўлда Советлар ва совет ходимларини қувиб солиб ва ҳибсга олишларни амалга оширди. Уларга қарши Тошкентдан кўнгилли отрядлар юборилди. Жанг бўлиб ўтди, унинг натижасида казаклар томонидан босиб олинган Самарқанд озод қилинди ва казаклар қуролсизлантирилди. Шунинг ўзи Қўқоннинг тақдирини олдиндан ҳал қилиши керак эди.

Бу орада Қўқонда ҳарбий ҳаракатлар бошланди. 29 январдан 30 январга ўтар кечаси рус қизил гвардиячи гарнизони эгаллаб турган қалъага ҳужум қилинди. Бир вақтнинг ўзида темир йўлнинг бир неча жойлари бузиб ташланди, симлар кесиб ташланди. Рус зобитлари телефон станциясига бостириб кириб, унинг ишини тўхтатишга мажбур қилдилар. Шунингдек, маҳаллий Кенгаш раиси Бабушкин ҳам ўз уйида ўлдирилишига оз қолди. 30 январда ҳарбий-революцион комитет тузилди ва ўша куни кечқурун Скобелевдан тўп ва пулемётлар билан қўшинлар етиб келди. Ультиматум қўйилди ва 31 январь куни кундузи соат 3ларда қалъадан эски шаҳарга биринчи тўп ўқлари отилди. Артиллерия отишмалари бошланди, сўнгра форслар, лезгинлар, туркманлардан ва сартлардан [17] иборат «мухториятчилар» қўшинлари билан жанг бошланди. Ўз қуролли кучларига эга бўлмаган Қўқон ҳукумати қароқчилар ва босмачилар тўдасининг бошлиғи Эргашбойга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Эргашбой ва рус оқ гвардиячилари қонли қирғинни авж олдириш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилдилар. Бошқа томондан, рус аскарлари ва қизил гвардиячиларга ёппасига қуролланган арман-дашноқлар ҳамда турли талончилик унсурлари қўшилди.

Талончилик, дўконларни талон-торож қилиш, босқинчилик бошланди. Фуқаролар уруши кўпчилик учун осон бойлик орттириш учун тузоққа айланди.

31 январда мусулмон аскарлари, ишчилари ва деҳқонлари ўлка кенгаши қуйидаги қарорни қабул қилди:

"1) ўлка Кенгаши томонидан барча ҳолатларга аниқлик киритилгунча қадар муваққат ҳукумат ҳибсга олинсин;

2) бутун ҳокимиятни ўлка мусулмон аскарлари, ишчилари ва деҳқонлари Советига топширилсин;

3) Қўқонда ҳам, унинг атрофларида ҳам мусулмонларнинг ғоятда жунбушга келган холатини ва эски Қўқон шаҳрининг бомбардимон қилиниши ҳақида тарқалган миш-мишлар туфайли оммавий қуролланиш ҳолати мавжудлигини эътиборга олиб, Чанишев милиция бошлиғи этиб тайинлансин; Қўқон ва унинг ташқарисида ҳам тўлиқ тартиб ва осойишталикни тиклаш учун барча қуролли милиция унга бўйсундирилсин;

4) мусулмонларнинг бутун ўлка бўйлаб уруш (ғазовот) эълон қилишига сабаб пайдо қилмаслик учун ҳарбий-революцион қўмитага кескин ҳаракатлардан тийилишни сўраш, акс ҳолда оқибатлар учун барча масъулият ҳарбий-революцион қўмита зиммасига юкланади. [18]

Афсус! Ўлка ишчилар,деҳқон-мусулмонлар солдат депутатлари Советининг

аралашуви анчагина кечиккан эди. У шу пайтгача мусулмон буржуазияси ортидан итоаткорона эргашиб келганлиги сабабли, кураш авжига чиққан пайтда унинг сиёсий нуфузи нолга тенг эди.

Унинг "бош қўмондони" Чанишевни дархол қамоққа олган Эргаш буни яққол исботлади. "Совет"нинг ўзи большевикларга қарши уруш тарафдори бўлиб, "ғазовот" таҳдидидан "демократик ташкилотларнинг обрўси"га чор-ночор талпинар ва аксинча.

Сулҳ тузиш учун қилинган янги уринишлар энди натижа беролмасди. 5 февралга келиб, қалъа гарнизонининг аҳволи деярли оғирлашди, аммо шу пайтда ҳарбий комиссар Перфильев қўмондонлиги остида эндигина казакларни қуролсизлантирган Тошкент ва Самарқанд отрядлари етиб келди. 6 февралда эски шаҳарга ҳужум қилинди. 6-дан 7-га ўтар кечаси Қўқон олов денгизига ўхшаб қолди. 7 февраль куни талончилик ва босқинчилик даҳшатли даражага етди. — "Асов солдатлар ва қизил гвардиячилар тўдаси, авом ва майда буржуазия нимаики бўлса, ўшани талаш ва ташиб кетишга тушди. Айниқса, талончиликда арманлар жонбозлик кўрсатдилар. Эски шаҳардаги барча дўконлар, савдо фирмалари, расталар, банклар ва озми-кўпми тузукроқ хусусий квартиралар талон-тарож қилинди. Банклар ва савдо фирмаларидаги кассалар бузилиб, улардаги пуллар ўғирлаб кетилди. Талончилар талон-тарож қилинган мол-мулкни араваларга ортиб, вокзалга ва қалъага олиб борардилар. У ерда таланган мулкларни тақсимлаш бўлаётган эди. Шундай манзаралар кузатилган: талон-тарож қилинган мол-мулклар шунчалик кўп эдики, уларни қўлга киритиш учун ташувчилар керак бўлган. Бундайларни топиш учун талончилар узоқ шаҳар, қишлоқларидан сартларни излаб топиб, уларнинг арава ва отларини тортиб олиб, ўлжа молларни ташишга мажбур қилардилар. Қароқчилар отсиз сартларни бўхчаларни елкаларида кўтариб юришга мажбур қилганлар. [19] "

Қўқон қирғини баёни Қўқон ҳукуматининг расмий органидан олинган бўлса-да, бошқа барча маълумотларга ва босқинчиларнинг ҳикояларига солиштириб кўрилганда, у ҳақиқатга тўлиқ мос келади. Охир-оқибат, барча кулфатлар мусулмон шаҳар камбағалларининг бошига қулади. -Қўқон "мухторияти" тугатилди, лекин шу билан бирга *босмачилик* учун *замин* тайёрланди."

Шаҳарлардаги озиқ-овқат инқирози Туркистонда Муваққат ҳукумат ҳокимияти қулашининг сабабларидан бири бўлди. Қаттол очарчилик салтанати мусулмон камбағалларининг бўғзидан бир неча баробар қаттиқроқ бўғди. 1917–1918 йил қишида очликдан ўлганларнинг жасадлари ҳамма жойда — янги шаҳарларнинг кўчаларида, темир йўл станцияларида, катта йўлларда қалашиб ётарди. Мана ўша даврнинг қисқа, аммо кўп нарсани англатувчи хабарлари: "Янгиқўрғон қишлоғида бир ҳафтада 35 киши очликдан ўлди. Будал қишлоғида бир ҳафта ичида 43 киши очликдан ҳалок бўлди. Бўка қишлоқларидада ҳам шу вақт ичида 37 киши очликдан жон берди. *Еттисувда оч қолган қирғизлар очликдан ўлганларнинг жасадларини ея бошламоқдалар*" [20]. Бу даҳшатли қишнинг бошидаёқ бор-йўқ ун еб битирилган эди. Чорва моллари ем-хашаксизликдан қирилиб кетган ёки улар ҳам сўйиб ейилган эди. "Жойлардан олинган маълумотларга кўра, очлик, совуқ ва касалликлар туфайли аҳолининг қирилиши ҳозирги вақтга келиб (1918 йил ноябрь) турли туманларда 25 фоиздан 50 фоизгача етмоқда. Чорва молларининг эса кўпи билан 1/10 қисмигина сақланиб қолган" [21]. Советларнинг IV-съездида озиқ-овқат масаласи бўйича маъруза қилган Колесов фақат янги шаҳарларни ва, асосан, Тошкентни таъминлаш истиқболларини таҳлил қилиш билан чекланди. Мусулмон камбағалларини қутқариш ҳақида эса лом-мим дейилмади! Советларнинг V-съездида ғалла юкларининг ойлар ва вилоятлар бўйича келиб тушишига оид рақамлар келтирилди. – Самарқанд вилоятига қуйидагича ғалла юклари келган: 1917 йил ноябрда – 76 вагон, декабрда – 20 вагон, 1918 йил январда – 3 вагон, февралда – 14 вагон. Фарғона вилоятига келган ғалла юклари: ноябрда – 103 вагон, декабрда – 45 вагон, февралда – 16 вагон. Каспийорти вилоятига келган ғалла: ноябрда – 67 вагон, декабрда – 53 вагон, январда – 6 вагон, февралда – 33 вагон. Сирдарё вилоятига келган ғалла юклари: ноябрда – 175 вагон, декабрда – 54, январда – 150, февралда – 56. Бутун Туркистонга, жумладан Бухоро хонлигидаги рус мулкларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 1917

йил ноябрь ойида 459 вагон, 1918 йил февраль ойида эса атиги 122 вагон ғалла келиб тушган. [22] Ғалла юклари келишининг бундай камайиб кетишига 1917 йил декабрь ойида Оренбург тиқинининг юзага келиши сабаб бўлган эди. Равшанки, келиб тушган барча ғалла юклари фақат ва фақат рус аҳолиси ўртасида тақсимлашга йўналтирилган. *Ҳокимиятдан четлатилган мусулмон камбағаллари сўнгги нон-насибадан ҳам маҳрум бўлиб, 1917-йилги баҳорги ва ёзги қурғоқчиликнинг, 1917–1918-йилги қаҳратон қишнинг ҳамда Туркистоннинг пахта плантацияси ролидан ўзини ўзи таъминлайдиган хўжаликка ўтишининг бутун оғирлигини ўз елкаларида кўтаришга мажбур эдилар. Янги шаҳар оч қолган эски шаҳар ва қишлоқлар бошига реквизиция ва конфискацияларни дўлдек ёғдирар, очарчиликни ўз кучи билан енгишга қурби етмаган мусулмон аҳолиси эса қирилиб кетмоқда эди. Русларнинг янги шаҳри ҳамда унда ўрнашиб олган Совет ҳокимияти билан кенг тубжой аҳоли оммаси ўртасида ўтиб бўлмас жарлик пайдо бўлди.* Бир томондан, озиқ-овқат инқирози рус аҳолиси орасида “аскарча-истеъмолчилик коммунизми”[23] иштаҳасини қўзғатиб, уни маҳаллий тубжой омма ҳисобидан “дастлабки жамғариш” йўлига ундаган бўлса; бошқа томондан, очарчилик бойларнинг маҳаллий камбағаллар устидан анъанавий ҳукмронлигини янада мустаҳкамлади — қашшоқ аҳоли бир чимдим чириган буғдой эвазига бойларга нафақат уй-рўзғор буюмларининг қолган-қутганини беришга, балки тўғридан-тўғри қулликка тушишга, ўз хотинлари ва болаларини сотишга мажбур бўлди. Шу тариқа, мусулмонлар орасида Совет ҳокимиятига нисбатан машъум бир кайфият шаклландики, у қисқача: “русча эркинлик тезроқ якун топармикан?” деган иборада ўз ифодасини топган эди. — Бу “рус эркинлиги” очликдан қирилишни, асрлар давомида шаклланган миллий турмуш тарзига қизил гвардиячиларнинг босқинини, ўйлаб ўтирмай қилинган қирғинларни, ёппасига мусодара ва реквизиция қилишларни, ўзбошимчалик билан ўтказиладиган тинтувларни англатарди.

Хулосалар:

Г.Сафаровнинг “Мустамлака инқилоби. (Туркистон тажрибаси)” асаридаги мухим жихат шундаки мустамлакачилик иллатларини барча сабаб- оқибат боғлиқликлари билан синфий, миллий, табақавий ва ижтимоий зиддиятларнинг мураккаб тугунларини жуда батафсил ва аниқ таҳлил қилади. Туркистондаги инқилобий жараёнларни мустамлакачилик мероси, ижтимоий зиддиятлар ва миллий масала билан боғлиқ ҳолда тушунтиради. Туркистоннинг Россия империяси таркибидаги мустамлакавий ўрни, маҳаллий халқнинг сиёсий ҳуқуқлари ва иқтисодий манфаатлари масаласи инқилобий жараёнларни тушунишда муҳим аҳамиятга эга. Маҳаллий халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, миллий давлатчилик ва маданий тараққиётга бўлган интилишлари билан марказдан бошқариладиган совет сиёсатининг мақсадлари ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш ахамиятлидир. Асарда Туркистон ўлкасидаги октябр воқеалари, большевиклар сиёсати, мустамлакадан қолган унсурларнинг беаёв сиёсати маҳаллий ахолини хақли норозилигига сабаб бўлганлиги далилларга таяниб очиб берилганки, ундан кейин бир неча йиллар давомида шу мавзуни қалам урган тадқиқотчиларга йўл кўрсаткич бўлди.

Г. Сафаров Туркистондаги совет бошқарувида маҳаллий аҳолининг манфаатлари етарлича ҳисобга олинмагани, совет ташкилотларида мустамлакачилик тафаккури сақланиб қолганини таъкидлайди. Унинг фикрича, янги ҳокимият эски мустамлакачилик муносабатларини бартараф этиши керак эди. Муаллиф маҳаллий халқ вакилларини бошқарувга жалб этиш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ва миллий хусусиятларни ҳисобга олиш зарурлигини илгари суради.

Г. Сафаров асарни 1921 йилда, большевиклар сиёсий қарашлари таъсири кучли бўлган даврда ёзган. Шунинг учун унинг хулосаларини муаллифнинг мафкуравий позициясини ҳисобга олган ҳолда, бошқа тарихий манбалар ва маҳаллий муаллифларнинг қарашлари билан қиёсий ўрганиш мақсадга мувофиқ. Аммо шуни хам унутмаслик керакки, Г.Сафаров “Дунё инқилоби”нинг[24] ашаддий мухлисларидан бири эди. Бунинг учун Шарқ мехнакашларининг миллий озодликка олиб борадиган энг тўғри йўл сифатида синфий курашни ёқлайдиган марксча-ленинча таълимот сафдошларидан эди. Синфий мансублик жамият тараққиёти учун мухим ахамият касб этиши бот -бот такрорланиб туради. Асарни

таҳлил қилишда муаллифнинг қарашлари, тарихий воқеаларнинг сиёсий ва ижтимоий сабаблари ҳамда маҳаллий аҳолининг аҳволига алоҳида эътибор бериш лозим.

Асарнинг илмий аҳамияти шундаки, у совет ҳокимиятининг ўрнатилишини бир томонлама сиёсий ғалаба сифатида эмас, балки миллий тенглик, ижтимоий ўзгаришлар ва мустамлакачилик муносабатлари келтириб чиқарган муаммолар, махаллий ахолининг оғир ижтимоий холатларини биргаликда таҳлил қилиш имконини беради. Шунинг баробарида мустамлакадаги ахолининг хақ хуқуқларини поймол бўлишига имкон қадар қарши турган масъул ходимлардан эди. Нафсиламбирини айтганда ўша давр кишиси сифатида коммунизм ақидасига ишонган рахбарлардан бири эди. Аммо шу билан бирга Туркистон ўлка мусулмонлар бюросининг фаолиятига илиқлик сезилмайди. Сабаби махаллий коммунистлар мақсад маслаги миллий озодлик эканлиги муаллифга хаммадан хам кўпроқ аён эди.

Бундай мураккаб сиёсий фаолият юритган большевикнинг “Мустамлака инқилоби. Туркистон тажрибаси” номли асари бундан кейин хам тадқиқотчилар, китобхонлар, тарих қизиқувчиларининг диққатидан тушиб қолмайди. Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилиши, мустамлакачилик сиёсати ва инқилобий жараёнларнинг моҳиятини тушунишда муҳим манбалардан бири сифатида қаралади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. 1920 йил августдан 1921 йил майгача Туркистон КП (б) МК масъул котиби лавозимида ишлаган.

2. Сольц И. К истории К.П.Т. Три года советский власти Ташкент, Туркгосиздат, 1920, с 45-46.

3. Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат,39-иш, 17-18-варақлар.

4. Т. Рисқулов Туркистон Автоном Республикасида 1918-1924 йилларда муҳим вазифаларни бажарди: *Туркистон Соғлиқни сақлаш халқ комиссари* (1918-19), *Очарчиликка қарши кураш Марказий Комиссияси раиси* (1918-19), *РКП(б) ТКП Мусулмонлар бюроси* (1919-20), *Туркистон АССР МИК раиси* (1920 йил январ-июл), *Туркистон АССР ХКК раиси* (1922 йил сентабр — 1924 йил январ) лавозимларида ишлади.

5. Рыскулов Т. Восстание туземцев Туркестана в 1916 году. // Очерки революционного движения о Средней Азии. Сборник статей. Москва, 1926, с 45-122.

6. Оренбург тиқини (тарихий адабиётларда русча *"Оренбургская пробка"* деб юритилади) — 1918–1919 йилларда Оренбург казаклари атамани, генерал-лейтенант Александр Дутов бошчилигидаги оқгвардиячилар томонидан Марказий Россия билан Туркистон ўртасидаги темир йўл ва алоқа тармоқларининг тўсиб қўйилишидир. Ушбу ҳарбий блокада тарихда катта сиёсий ва иқтисодий оқибатларга олиб келган. Мақсади ва таъсири: Дутов қўшинлари Оренбург ҳудудини эгаллаб, Совет Россиясининг марказини Туркистон ўлкасидан узиб қўйган. Бунинг оқибатида Туркистон ўлкасидан Россия марказига пахта ва хомашё етказиб бериш, у ердан эса Туркистонга ғалла ва озиқ-овқат олиб келиш тўхтаб қолган.Оқибати: Мазкур тиқин (блокада) Туркистонда (айниқса Фарғона водийси ва Тошкент атрофида) даҳшатли очлик ва иқтисодий инқироз бошланишига асосий сабаблардан бири бўлган. Шунингдек, бу ҳолат Туркистонда шўролар ҳукуматига қарши миллий озодлик (истиқлолчилик/қўрбошилик) ҳаракатининг янада кучайишига туртки берган.

7. Қора тўдачилар — Россия империясида XX аср бошларида (асосан, 1905 йилдан 1917 йилгача) фаолият юритган ўта ўнг, монархистик ва қоратўдачи ташкилотлар аъзоларининг умумий номи.

8. Фихтенинг билиш назарияси борасидаги аҳамияти шундан иборатки, у субъект ва объектни бир-биридан ажратиб бўлмаслигини эълон қилади ва танқидий идеализмнинг изчил ривожланиши танқидий солипсизмга олиб келиши кераклигини кўрсатади.

9. Совет ҳокимиятига қарши миллий озодлик учун қуролли харакат(совет даври мафкурасида сохталаштирилиб, салбий бўёқ билан "босмачилик" деб аталган) — 1918–1943 йилларда Туркистон, Бухоро ва Хоразм ҳудудларида совет режими ҳамда қизил армия

босқинига қарши олиб борилган миллий-озодлик қуролли ҳаракатидир. Ҳаракатнинг асосий мақсади Туркистон мустақиллигини тиклаш ва ўлкани шўролар мустамлакасидан озод қилиш бўлган.

10. Энг оммавий давр. Пётр Столипин деҳқонларнинг жамоадан чиқиб кетишини ва уларнинг шарққа кўчиб ўтишини фаол қўллаб-қувватлади — бу вақт ичида 3,31 миллионга яқин киши кўчиб ўтди. Демографиянинг ўзгариши: Сибирь, Узоқ Шарқ ва Қозоғистонда рус ва украин аҳолисининг улуши сезиларли даражада ошди. Ер можароси: Чекка ҳудудларда (айниқса Қозоғистон чўлларида ва Туркистон ўлкасининг) маҳаллий аҳоли кўпинча унумдор ерлардан қурғоқчил ҳудудларга сиқиб чиқарилар, бу эса кескин миллатлараро ва ижтимоий зиддиятларга олиб келар эди (1916-йилги қўзғолонни ҳам қўшиб ҳисоблаганда). https://www.google.com/search?.Ушбу крестьянлар катта имтиёзларга, хосилдор ерларга эга бўлиб маълум вақт оралиғида мустамлакачиларнинг таянч базасига айланиб улгурди. Бу билан социал инқилоб таркибий қисми бўлиши лозим бўлган қашшоқ дехқонлардан, айниқса махаллий дехқонлардан анчагина фарқ қилиб, табиати жихатидан мустамлакачи унсурларга яқин турар эди. Аслида кўчириб келтириш сиёсатининг туб мақсадларидан бири хам шунда мужассам бўлади.

11. Свободные Туркестан, 24 января 1918 г.
12. "Голос Крестьянина", 15 (2) марта 1918 г.
13. Свободные Туркестан, 31 января 1918г.
14. Свободные Туркестан, 30 января 1918 г.
15. Наша газета, 25 января 1918 г
16. Тюракулов. "Кокандская автономия" в Туркестанском сб. "Три года Советской власти"
17. Чоризм йилларида махаллий ахоли шу ном билан аталган.
18. "Новые Туркестан", 2 марта 1918 года
19. "Новые Туркестан", 5 марта 1918 года
20. "Новые Туркестан", 19 февраля 1918 года
21. "Известия ЦИК Турк. Республики", 23 ноября 1918 г.
22. "Наша газета" 28 апреля 1918 г.

23. "Аскар-истеъмолчи коммунизми" атамасини биз, албатта, уятсиз меньшевистик маънода эмас, балки Туркистонда гуллаб-яшнаган Махнов типидаги партизанликка нисбатан унинг ҳақиқий маъносида қўллаймиз.

24. Жаҳон инқилоби — бу марксизм концепцияси бўлиб, унга кўра капитализмни ағдариш ва социализмга ўтиш алоҳида олинган бир мамлакатда эмас, балки халқаро пролетариат чиқишларининг ягона глобал жараёни сифатида содир бўлиши керак.

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000